

336.2 (043.3)

А58

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳукуқида  
УДК 336.2 + 631.1(575.1)

**АМАНОВ АКРАМ МИРЗАЕВИЧ**

**ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ СОЛИҚҚА  
ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илемий дарражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2009**

336.2 (043.3)

AS8

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдуллаев Ёркул Абдуллаевич.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор  
Олимжонов Одил Олимович;

иқтисод фанлари номзоди  
Адизов Акрамжон Жумабоевич.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Давлат  
солиқ кўмитаси.

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги  
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар  
ҳимояси бўйича Д.005.25.01 ракамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг  
2009 йил “22” маът соат 16 да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, X.Орипов кўчаси, 16-йй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил “З” ажрел да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди

7.11. Ф.И.Мирзаев.

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви жараёнида кишлоп хўжалигига қатор таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, агробизнеснинг асосий фаолият йўналишлари сифатида дехқон ва фермер хўжаликлари баркарор суръатда ривожлана бошлади.

Масалан, 2008 йилда республикамида ялпи ички маҳсулотнинг 79,4 фоизи нодавлат секторида яратилган бўлиб, унинг 6,7 фоизи фермер ва дехқон хўжаликлари улушига тўғри келди<sup>1</sup>. Кишлоп хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер ва дехқон хўжаликлари ҳиссаси 97,8 фоизга тенг бўлгани ҳолда, дехқончилик маҳсулотлари улуши 53,5 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари эса 46,5 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>.

Кишлоп хўжалиги гаромигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хусусида Президент И.А.Каримов тўхталиб, “Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлик катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан”<sup>3</sup>, дея алоҳида қайд этиб ўтган эдилар.

Амалиётда турли соликларнинг қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш тизимининг ранг-баранглигини келтириб чиқаради. Жумладан, дехқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, солиқ солинадиган обьект уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ер майдонлари ва уларнинг меъёрий қиймати хисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида дехқон ва фермер хўжаликлари учун оқилона солиққа тортиш тизимини жорий этиш, соликларни хисоб-китоб қилиш жараёнини соддлаштириш, улар учун кулаг солиқ механизмини шакллантириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурияти вужудга келади. Шунингдек, дехқон ва фермер хўжаликлари учун амалда бўлган солиққа тортиш тизимини ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланиб такомиллаштириш диссертация мавзусининг долзарбилигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиётiga ўтаётган мамлакатлар аграр соҳасида хўжалик юритишининг янги субъектлари сифатида дехқон ва фермер хўжаликлари шаклланиши ва ривожланишини назарий ва амалий жиҳатларига бағишлиган илмий ишлар нашр этилмоқда. Улар қаторига МДХ мамлакатлари олимларидан Е.Заворотин, А.Маликов, Л.Рубцова, А.Рыманов<sup>4</sup> ҳамда ўзбекистонлик иқтисодчилардан Ш.Аллаёрөв, А.Абсаматов, А.Жўраев, Ш.Каршиев, А.Латипов, Б.Маматкулов, О.Олимжонов,

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2008 йил. Тошкент, 2009. -Б. 21.

<sup>2</sup> Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2009 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. “Банк ахборотномаси”, №5 (664) 2009 йил 28 январ.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Узбек халқи хеч качон, хеч кимга карам бўлмайди. – Тошкент: Узбекистон, 2005. -215 б.

<sup>4</sup> Заворотин Е.Ф. Организационно-экономические основы развития земельных отношений в сельском хозяйстве Поволжья: Автореф. дис... на соиск. учен. степ. д-р экон. наук. –М.: 2001.- 48 с.; Маликов А.Д. Арендные формы землепользования в овощеводстве и их экономическая эффективность. Автореф. дис... на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. Киев, 1997.- 22 с.; Рубцова Л.Н. Аренда сельскохозяйственных земель в современных условиях: Автореф. дис... на соиск. учен. степ. д-р экон. наук. -М.: 2001.- 42 с.

А.Тошқулов, Т.Фармонов, Ш.Хожимухамедовалар<sup>5</sup> тадқиқот ишларини мисол келтириш мүмкін.

Юкорида кайд этилган иқтисодчи олимлар илмий ишларидан фермер ва дәхқон хұжаликларининг ташкилий асослари ва ривожланиш жараёнлари билан бөглиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилған. Масалан, тадқиқотчи А.Тошқулов номзодлик диссертациясида Сурхондарё вилояти мисолида қишлоқ хұжалиги корхоналаридан ягона ер солигини тадқиқ этиб, ушбу солиқ орқали ердан фойдаланиш самарадорлиги оширилишининг иқтисодий рағбатлантириш масалаларини ўрганади. Умуман, иқтисодий адабиётта дәхқон ва фермер хұжаликларини солиққа тортиш жараёни билан бөглиқ илмий муаммолар алохидан маҳсус тадқиқот объекти сифатида чуқур таҳлил килинмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан бөглиқтеги.** Диссертация иши Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарылған.

**Тадқиқот мәксади.** Иқтисодиётни эркінлаштириш шароитида дәхқон ва фермер хұжаликларини солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратылған илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқищдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мәксадидан келиб чиқиб қуидаги вазифалар белгиланды:

- иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда дәхқон ва фермер хұжаликлари ўрнини баҳолаш;
- дәхқон ва фермер хұжаликларини солиққа тортишнинг жағон тажрибасини чуқур таҳлил этиш;
- дәхқон хұжаликларини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниклаш;
- фермер хұжаликлардан ундириладиган солиқлар таркибини ўрганиш ва уларни ҳисоблаш услугиятини такомиллаштиришга қаратылған илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши;
- дәхқон ва фермер хұжаликлардан солиқ ундиришдаги муаммоларни ҳал этишнинг самарағы йүлларини аниклаш;
- дәхқон ва фермер хұжаликларини солиққа тортиш механизмини оптималлаштириш юзасидан илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

<sup>5</sup> Аллаев Ш.А. Айрап соханы мүлкін ислоҳ кишиш ва фермер хұжаликларини ривожлантиришнинг назарий масалалари. Икт. фан. номз. дис...автореф. – Тошкент, 2006. -22 б.; Абсаматов А.Э. Дәхқон хұжаликлари ривожланишини рағбатлантириш ва даромадларини ошириш йўллари. Икт. фан. номз. дис...автореф. – Тошкент, 2006. -22 б.; Жураев А.С. Даъват бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарағы йўллари. Монография. – Тошкент: Фан, 2004. -243 б.; Каширцев Ш.Э. Фермер хұжаликларда иқтисодий мұносабаттарни такомиллаштириш. Икт. фан. номз. дис...автореф. – Тошкент, 2000. -24 б.; Латиков А. Ердан фойдаланыш ва солиқка тортиш: Ўқув күлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқук дүнеси, 2005. -245 б.; Маматқулов Б.Х. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хұжаликлари ғафияттингин самарағорлигини ошириш. Икт. фан. номз. дис...автореф. – Тошкент, 2005 -25 б.; Олимжонов О.О. Солик назариясини яраттиша ажгодларимиз хизматтингин тиклайлик // Иқтисодий тарбиякүнінде зерттешилдік сибесатини яңада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материалы. – Тошкент, 2006. -Б. 13-16.; Тошқулов А.Х. Солик солиши ва ердан фойдаланыш самарадорлигини иқтисодий рағбатлантириш механизмылари. Икт. фан. номз. дис...автореф. – Тошкент, 2004. -27 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хұжаликларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асослары. Икт. фан. докт. дис...автореф. – Тошкент, 2006. -50 б.; Ходжимухамедова Ш.И. Ўзбекистон Республикасида фермер хұжаликларини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий асослари. Икт. фан. номз. дис...автореф. – Тошкент, 2005. -21 б..

**Тадқиқот объекти қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи дәҳқон ва фермер хўжаликлари хисобланади.**

**Тадқиқот предмети** дәҳқон ва фермер хўжаликларини соликка тортишни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йигиндисидан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, молиявий таҳлил, гурухлаш, динамик қаторлар, статистик ва математик усууллар қўлланилган.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- юридик шахс сифатида ташкил ва этилмаган ҳолда тузилган дәҳқон хўжаликларидан ундириладиган соликларни хисоб-китоб қилиш механизмини бирхиллаштириш тавсия этилди;
- фермер хўжаликларига солик солиш объекти сифатида фойдага қаратилган соликни хисоблаш услубияти таклиф қилинди;
- фермер хўжаликлари томонидан мақсадли жамғармаларга хисобланадиган мажбурий ажратмаларнинг объекти бир бўлганилиги учун уларни унификация қилиш тавсия этилди;
- фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг имтиёзли ставкасини қўллаш тақлиф қилинди.

**Илмий янгилиги:**

- дәҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишда ер ости сув ресурслари манбаларидан фойдаланса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликдан озод қилиш таклиф этилди;
- фермер хўжаликлари фойдасидан солик ундириш тақлиф қилинди;
- фермер хўжаликларининг мақсадли жамғармаларга тўлайдиган мажбурий ажратмаларни унификация қилиш тақлиф этилди;
- фермер хўжалиги аъзолари учун жисмоний шахслардан олиниадиган даромад солиғини бир босқичли шкалага ўтказиш ва энг куйи ставкада солик ундириш тақлиф қилинди;
- фермер хўжаликларини соликка тортишнинг илғор жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари аникланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан фермер ва дәҳқон хўжаликлирида соликка тортишни чукур, маҳсус тадқиқ этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишининг илмий хуласалари ва амалий тақлифларидан дәҳқон ва фермер хўжаликларини соликка тортиш тизимини такомиллаштириш ва олий таълим муассасаларида “Солик назарияси”, “Соликлар ва соликка тортиш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот ишининг натижалари ва хуласалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси (2007 йил 21 декабрдаги 16/2-19-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материаллари ва гояларидан Тошкент молия институтига (2008 йил 16 сентябрдаги 33-2/1772-сонли маълумотнома) “Солик

назарияси”, “Солиқлар ва соликқа тортыш” фанлари ўкув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот иши Тошкент молия институти, Давлат солик қўмитаси Солик академияси, Тошкент Давлат иктисадийт университетларининг бирлашган илмий семинарлари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Диссертация ишининг асосий ғоялари ва илмий натижалари “Солик органлари кадрларини тайёрлаш тизимидағи таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари” (Тошкент, 2003), “Иктисадий эркинлаштириш шароитида солик тизими ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари” (Тошкент, 2004), “Солик сиёсатини янада такомиллаштириш - принципиал муҳим устувор вазифа” (Тошкент, 2005), “Иктисадий тараққиётга эришишда солик сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари” (Тошкент, 2006) мавзуларида ўтказилган ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

**Натижаларининг зълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари 12 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 124 бет бўлиб, 14 та жадвал ва 7 та расмдан иборат.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Деҳқон фаолиятининг бевосита ер билан узвий бөгликлиги, меҳнатга жиддий муносабатда бўлиши, меҳнат фаолияти таваккалчиллик асосига курилиши, мавсум давомида ундан ишбилармонлик, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилишини ётиборга олиш лозим. Иктисадийни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар қишлоқ ҳўжалигида ернинг ҳакикий эгасини топиш, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва пировард натижада ички истеъмол бозорини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакат ахолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини кондириш ва озиқ-овқат ресурсларини ички имкониятлар хисобига тўлдириш иктисадийни ислоҳ этишининг устувор йўналишларидан бири хисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, мустақиллик йилларида айрим турдаги озиқ-овқатлар истеъмолида ўсишга эришилгани ҳолда, баязи турлари бўйича кўрсаткичларда эса барқарорлик сақланиб қолди. Ушбу ҳолат қишлоқ ҳўжалиги соҳасида пахта яккаҳокимлигига амалда барҳам берилганлиги ва бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришга ётиборнинг кучайиши билан изоҳланади. Озиқ-овқат мустақиллигига эришишда қишлоқ ахолисининг

шахсий томорқа ерлари билан таъминланиши ва улар ҳажмининг кўпайтирилиши мухим ўрин эгаллади.

Деҳқон хўжаликларининг ривожланиш жараёни шуни кўрсатяптики, уларга ажратилаётган ер майдонлари 2008 йилда 750 минг гектардан, 2010 йилга бориб 900 минг гектарга етказилгани холда, республика деҳқончилик умумий майдонининг 21 фоизини ташкил килиши кутилмоқда<sup>6</sup>.

Деҳқон хўжаликлирида меҳнат сизимкорлиги юкори бўлган маҳсулотлар (мева, сабзавот, картошка ва бошқалар) етиштирилади. Деҳқон хўжаликларининг мухим вазифаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашdir. Деҳқон хўжаликлари фаолиятида чорвачилик мухим йўналиш хисобланади. Мамлакат қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилётган чорвачилик маҳсулотларининг 91,0 фоизи деҳқон хўжаликлари улушкига тўғри келмоқда. Бу асосан, деҳқон хўжаликларида чорва моллари бош сонининг барқарор кўпайиб бориши билан боғлик. 1997-2008 йилларда мамлакат деҳқон хўжаликлирида корамоллар бош сони 2,5 млн. бошдан 7,4 млн.<sup>7</sup> бошга кўпайган. Чорва ҳайвонларининг аксарият қисми деҳқон хўжаликларида боқилмоқда ва етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда.



**1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарини ҳажмида деҳқон ва фермер хўжаликлари салмоғи**

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатимизда ишлаб чиқарилётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларининг салмоғи барқарор ортиб бормоқда. Агар 2003 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқон хўжаликларининг салмоғи 60,4 фоизни

<sup>6</sup> Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.


<sup>7</sup> Узбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2008 йил. Тошкент, 2009. - Б. 71.

<sup>8</sup> Узбекистон Республикасининг 2003-2007 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида ҳисобланган

ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб уларнинг салмоги 62,7 фоизга тенг бўлди.

Дехкон хўжаликлари томонидан 2008 йилда бошкоди дон экинларининг 17,3 фоизи, картошканинг 83,3 фоизи, сабзавотларнинг 66,2 фоизи, полиз экинларининг 51,2 фоизи ва меваларнинг 51,6 фоизи етиширилган<sup>9</sup>. Дехкон хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хам етакчи ўрин эгаллади, яъни 2008 йилда ишлаб чиқарилган гўштнинг 95,0 фоизи, сутнинг 96,8 фоизи ва тухумнинг 61,8 фоизи уларнинг хиссасига тўғри келган<sup>10</sup>. Айтиш мумкинки, дехкон хўжаликларининг ривожланиб бориши ахолининг иш билан самарали банддигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Фермер хўжаликлини тузилиши, уларнинг фаолияти қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ иктисадий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари билан тартибга солинади. Фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият холларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилаётган ерларда ва худудларда турли хил шаклларда ташкил этилади (2-расм).



**2-расм. Фермер хўжалигининг ташкилий шакллари<sup>11</sup>**

Чорвачилик маҳсулоти етиширишга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги таркибида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андикон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фаргона ва Хоразм вилоятларида сугориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпогистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги сугориладиган ерларда камида 0,45 гектар, сугорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2008 йил. Тошкент, 2009. -Б. 25.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2008 йил. Тошкент, 2009. - Б. 24.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Деҳқончилик маҳсулоти етиширишга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам микдори пахтачилик ва галлачилик учун камидаги 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етишириш учун камидаги 1 гектардан иборат бўлиши белгиланган.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўргача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

А. Ўлмасов ўз илмий ишида кичик бизнес шаклларини тадкиқ қилиб “Фермер хўжалиги ҳам майда оиласидир”<sup>12</sup>- дея таъкидлайди. Шунингдек, “агробизнеснинг бирламчи бўғини фермер (деҳқон) хўжалиги ҳисобланади, чунки у қишлоқ хўжалиги маҳсулотини яратади”<sup>13</sup>.

Дарҳақиқат, деҳқон ва фермер хўжаликларини шакллантириш хамда қўллаб-куватлаш бозор иқтисодиётiga ўтишнинг бош мезони ҳисобланади. Фермер хўжалиги ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ерни ижарага олиб фаолият юритиб мулк соҳиби ва ишлаб чиқарувчи айнан бир шахс ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг афзаллклари ва фаолият самараадорлиги қўйидагилар орқали изоҳланади:

- фермер мулк эгаси, шунинг учун унда масъулиятни сезиш ва меҳнат натижаси бўйича жавобгарлик мажбурияти устун;
- фермер хўжалиги мустақил бўлиб, ўзига тегишли мулқдан самарали фойдаланиш имкониятларини излаб топади;
- ўз хўжалигига етиширилган маҳсулотларини мустақил сотиши ҳукуқига эга ва фаолиятини бозор қонунлари асосида бошқаради;
- мавжуд молиявий манбаларни ўзи таксимлайди ва хўжаликни кенгайтириш ҳуқуки чегаралманмаган;
- хўжалик юритишида ёлланма меҳнатдан кўра, ўзининг меҳнати юқори натижаларга олиб келади.

Зарар кўриб ишлаетган ва самарасиз қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай хўжаликлarda меҳнатни ташкил этиш тобора яхшиланиб, молиявий барқарорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Шу сабабли, фермер хўжаликларини фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, кўпайтирувчи субъект сифатида ташкил этибгина қолмасдан, уларга иқтисодий муносабатларнинг эркин иштироқчиси сифатида қарашимиз зарур.

Агар соҳанинг асосий хўжалик субъектлари ҳисобланган дехқон ва фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагиларда намоён бўлади:

<sup>12</sup> Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Тошкент: Мехнат, 1998. – 17 б.

<sup>13</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Мехнат, 1998. – 355 б.

- фермер хўжалиги ижарага олинган ер участкаларидан фойдаланган холда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришини амалга оширади;
- аксарият ҳолларда юридик шахс сифатида ташкил этилган дехқон ва фермер хўжаликларининг мол-мулклари ҳатто карзларнинг бир қисмини қоплаш имкониятига эга эмас;
- ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлиқ шаклланмаганлиги ва кредитлаш жараёнининг мукаммал эмаслиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари қўшимча айланма маблагларини шакллантириши кийин кечмоқда;
- давлатнинг қўллаб-куватлаш чораларидан самарали фойдаланган холда фермер хўжаликларини молиявий соғломлаштириш механизмлари тўлиқ амал килмаяпти. Ваҳоланки, аксарият ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликлари давлат томонидан фаол равища қўллаб-куватланмоқда.

Дехқон хўжалиги фаолият юритиш шаклидан қатъий назар солиқ конунчилигига мувофиқ асосий солиқ турни сифатида ер солигини тўлаб беради. Маълумки, ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган дехқон хўжаликлари ер солиги тўловчилар ҳисобланади. Дехқон хўжаликларида ерларни солиқка тортиш бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқланади, чунки уларга ер участкалари чегараланган микдорда ажратилади.

Ер солиги томорка ер участкасининг сифатига, жойлашган ўрни ва сув билан таъминланиши даражасига караб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган холда белгиланадиган микдорда ундирилади. Дехқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкаларига солиқ ставкалари Президент қарорига асосан белгиланади ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади. Дехқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкаларига солиқ ставкаларини қўллашда икки хил ёндашувдаги коэффициентлар мавжуд бўлиб, бири фақат оширувчи коэффициентлар бўлса, иккинчиси эса, ўзгарувчан коэффициентлар ҳисобланади.

Дехқон хўжаликлари учун ишлаб чиқилган имтиёзлар таркиби тақдим этилиш нуқтаи-назаридан икки гурухга ажратилган, яъни биринчи гурух имтиёзлари ер солигини тўлашдан озод қилиш шаклида бўлса, иккинчи гурух имтиёзлари солиқ солинмайдиган ер участкалари шаклида қўлланилиши белгиланган.

Тадқиқот ишида ер солиги имтиёзларини таҳлил этиш жараённада куйидаги илмий хуласалар олинди:

**Биринчидан**, конун хужжатларида акс эттирилган солиқ имтиёзлари тавсифининг бирхиллигини таъминлаш орқали имтиёзлар беришда вужудга келадиган муаммолар бартараф этилади;

**Иккинчидан**, солиқ имтиёзи бир томондан муддат бўйича озод этиш жараённи келтириб чиқаради, иккинчи томондан эса, дехқон хўжаликлари фаолиятининг давомийлигига боғлиқ эканлигини кўрамиз.

Умуман, дехқон хўжаликлари учун солиқ имтиёзлари таркибини месъерий хужжатларда тўлиқ акс эттириш лозим, бу эса, имтиёзларни қўллаш ва ҳисобини юритишдаги номутаносибликларга барҳам беради.

Дехқон хўжаликларидан ундирилалиган ер солигини хисоблаш формуласи диссертант томонидан кўринишда тавсия қилинади:

$$E_{ss} = E_{uh} * S_s * K_k ; \quad (1)$$

бунда:

$E_{ss}$  – ер солиги суммаси;

$E_{uh}$  – ер участкаси ҳажми, га. хисобида;

$S_s$  – солик ставкаси, сўмда;

$K_k$  – оширувчи ва ўзгарувчан коэффициент.

Дехқон хўжаликларидан ер солигини ундириш жараёнидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида солиқларни хисоб-китоб қилиш масъулиятини давлат солик органлари зиммасига юклаш лозим. Таҳлилларимиз кўрсатишича, дехқон хўжалигини юритаётган шахсларнинг аксарияти солиқлар тўғрисида етарли билим, қўникмаларга эга эмас.

Фермер хўжаликларини солиққа тортиш жараёни бир катор ўзига хос йўналишларни юзага чиқаради. Солиқлардан фойдаланиш мақсадида ягона ер солигининг жорий этилишига давлат томонидан кўйидаги устувор йўналишлар белгилаб кўйилган:

- давлат бюджетини маълум микдордаги манба билан таъминлаш;
- кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларининг фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- солиқ бўйича хисоб-китобларни кулай ҳолатга келтириш;
- солиқларни хисоблаш бўйича харажатларни минималлаштириш.

Фермер хўжаликлари томонидан бюджетга тўланаётган ягона ер солиги таҳлилини 1-жадвал кўрсаткичлари асосида ўрганиш мумкин. Мазкур солиқ тури бўйича 2003 йилда 131,2 минг тўловчи солиқ органлари томонидан рўйхатга олинган бўлса, 2007 йилга келиб ушбу кўрсаткич 217,7 мингтани ташкил этган. Бундан кўринадики, ягона ер солиги тўловчилари сони 2007 йилда 2003 йилга нисбатан 1,7 мартаға ошган. 2003 йилда ягона ер солигига тортиладиган ер майдонининг нисбатан камроқ бўлиши Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сув танқислиги натижасида ишлатилиши мумкин бўлмаган ерларни ягона ер солиги тўлашдан озод қилиниши билан изоҳланади.

Ягона ер солиги тўловчилари таркибида фермер хўжаликларининг сонини ортиб бориши билан бир қаторда, ягона ер солиги суммасининг уларга тўғри келадиган улуши ҳам ортиб борган. Жумладан, 2003 йилда ягона ер солиги бўйича 21,7 млрд. сўм маблағ бюджетга жалб қилинган бўлиб, шундан 11,8 млрд. сўми бевосита фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келган ҳамда жами ягона ер солигининг 54,3 фоизини ташкил қиласган.

**Ўзбекистон Республикасида ягона ер солиги  
кўрсаткичлари тавсифи<sup>14</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
1.	Ягона ер солиги тўловчилар сони, (минг та)	131,2	140,2	141,5	194,0	217,7
2.	Ер майдони (минг га)	3093,3	4292,1	4983,4	6191,5	6540,2
3.	Хисобланган ягона ер солиги суммаси, (млрд. сўм)	21,7	25,2	35,5	37,9	42,0
4.	Ягона ер солиги тўловчи фермер хўжаликлари сони, (минг та)	87,6	103,9	125,7	189,2	217,1
5.	Фермер хўжаликлари ер майдони, (минг га)	2148,1	2935,4	3775,3	4953,2	5787,8
6.	Фермер хўжаликларида хисобланган ягона ер солиги суммаси, (млрд. сўм)	11,8	15,6	26,1	32,9	37,9
7.	Ягона ер солиги тўловчилари таркибида фермер хўжаликлари улуши (%), ( $4 \text{ camp} / 1 \text{ camp} * 100$ )	66,7	68,4	88,8	97,5	99,7
8.	Хисобланган ягона ер солиги суммасида фермер хўжаликлари улуши (%). ( $6 \text{ camp} / 3 \text{ camp} * 100$ )	54,3	62,1	73,5	86,9	90,2

2007 йилга келиб, фермер хўжаликлари томонидан 37,9 млрд. сўм ягона ер солиги бюджетга жалб қилинib, жами ягона ер солиги суммасининг 90,2 фоизини ташкил этган. 2007 йилда 2003 йилга нисбатан фермер хўжаликлари томонидан бюджетта жалб қилинган ягона ер солиги суммаси 35,9 пунктга кўпайган ва ушбу ҳолат ягона ер солиги тўловчилари таркибида фермер хўжаликлари улушкининг ортганлиги билан изохланади.

Тадқикот ишида дехкон ва фермер хўжаликларини соликка тортиш жараёнини оптималлаштириш бўйича куйидаги амалий таклифлар ишлаб чикилди:

**БИРИНЧИДАН**, юридик шахс сифатида ташкил этилмаган ёки ташкил этилган дехкон хўжаликларидан ундирилаётган соликларни ягона ҳолатга келтириш. Бу йўналишни тавсифлаш учун юридик макомлари турлича бўлган, лекин ишлаб чикириш шарт-шароитлари кескин фарқланмайдиган дехкон хўжаликлари фаолияти таҳлил этилди ҳамда солик ундиришда уларни ягона тизимга ўтказилиши асослаб берилди;

**ИККИНЧИДАН**, фермер хўжаликларини соликка тортишда солик объектини уларнинг молия-хўжалик фаолияти якунига қаратиш учун ягона фойда солигига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда соддалаштирилган солик тизими танлаб олинади ва ягона фойда солиги сифатида амалиётга киритилиб, уни ундириш манбай хисобот даври якунида шакллантирилган фойда хисобланади.

Фермер хўжаликлари учун тавсия этилаётган соликнинг хисоблаш услугубияти соддалаштирилган солик тизими хусусиятларини ўзида мужассам

<sup>14</sup> Давлат солик кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

этганлиги ҳамда солик обьекти хўжаликнинг фойдасига қаратилганини инобатга олиб, ушбу соликни шартли равишда ягона фойда солиги деб номлаш максадга мувофиқдир.

Ягона фойда солиги амал қилиш хусусиятларидан келиб чикиб, қуидаги йўналишларни ўзида ифода этади:

**биринчидан**, солик тўловчилар асосан кишлок хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўлганлиги учун маҳсулот сотищдан тушган тушумнинг хажмида кишлок хўжалиги маҳсулотлари ва уни кайта ишлашдан олинадиган тушум 50 фоиздан юкори бўлиши лозим;

**иккинчидан**, фермер хўжаликлари учун мукобил тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишга кенг йўл очилади. Ҳозирда фермер хўжаликлари асосий ва бошқа фаолиятлари бўйича солик хисоб-китобларини алоҳида юритмоқдалар. Ягона фойда солигининг амалга киритилиши бунга ҳожат колдирмайди, чунки ушбу солик фермер хўжалигининг бутун фаолиятини камрадб<sup>отини накондиш</sup> тутилмоқда;

**учинчидан**, ягона фойда солиги базаси солик кодексига мувофик жами даромадлар ва чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳамда солик солинадиган фойданинг камайтирилиши хисобга олинган ҳолда, хисоблаб чикиб белгиланади. Солик солинадиган базани хисоблаш формуласини қуидагича белгилаш мумкин:

$$\text{ЯФСБ} = \sum \text{даромад} - \sum \text{харажат} + \mathbf{\chi}_x \pm \mathbf{КЧ}_x - \mathbf{С}_x; \quad (2)$$

бунда:

ЯФСБ – ягона фойда солиги базаси;

$\sum$  даромад – жами даромадлар таркиби;

$\sum$  харажат – жами харажатлар таркиби;

$\mathbf{\chi}_x$  – чегирилмайдиган харажатлар;

$\mathbf{КЧ}_x$  – келгусида чегириладиган харажатлар;

$\mathbf{С}_x$  – солик имтиёзлари.

Ягона фойда солиги базасини аниқлашда жами даромадлар ва харажатлар таркиби 3-расмдаги кўринишга эга бўлади;

**тўртинчидан**, ягона фойда солиги бўйича солик ставкаси солик обьектига нисбатан пропорционал равиша ишлаб чиқилади. Солик ставкасини белгилашда ягона ер солиги бўйича тушум қиёсий таққосланади ва бюджет даромадлари камайиб кетишига олиб келмайдиган мақбул микдорда ўрнатилади;

**бешинчидан**, ягона фойда солигидан имтиёзлар беришда ягона ер солиги юзасидан тақдим этилган преференциялар ва солик имтиёзлари таркиби сақлаб колинади;

**олтинчидан**, солик хисоб-китобларини солик органларига тақдим этиш ва хисобланган солик суммаларини бюджеттага ўтказиб бериш чорак якуни бўйича хисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 кунигача амалга оширилади;

**еттингидан**, ягона фойда солиги түловчилар қўшилган киймат солигини кўллаш жараёнини ихтиёрий равишда амалга оширадилар;

**саккизничидан**, максадли жамгармалар мажбурий ажратмаларни конунчиликда белгиланган тартибда хисоблайдилар. Факатгина ушбу мажбурий ажратмаларнинг объекти бир бўлганинги учун уларни унификация қилиш тавсия қилинади.



**3 - расм. Ягона фойда солиги базасини хисоблашда даромад ва харажатлар таркиби<sup>15</sup>**

Умуман олганда, тавсия этилаётган ягона фойда солиги фермер хўжаликларидан солик ундиришини фақатгина ер участкаларининг меъёрий кийматига боғлаб қўймасдан, балки молия-хўжалик фаолияти якунида хақиқатда эришилган натижадан хисоблаш жараёнини келтириб чиқаради. Бу эса, фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжалик юритувчи субъектга айланишига ва иқтисодий барқарорлиги таъминланишига турткни беради, деган умиддамиз.

### 3. ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Дехкон хўжаликлари ўз имкониятлари асосида ер ости сув ресурслари манбаларидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланса, уларни сув ресурсларидан фойдалангандик учун солиқдан озод қилиш лозим. Чунки, ер ости манбаларидан сув ресурсларини қазиб чиқариш маълум бир хажмдаги моддий ва меҳнат харажатларини талаб этади.

<sup>15</sup> Солик конунчилиги ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2. Дехқон хўжаликларидан ундириладиган соликларни хисоб-китоб килиш масъулиятини солик органлари зиммасига юклаш таклиф этилди. Бу холат соликларни ундириш жараёнидаги камчилик ва тушунмовчиликларнинг олдини олади.

3. Фермер хўжаликларини соликка тортишда амал килаётган услубият соддалаштирилган солик тизимини тўлиқ тавсифлаб бермайди, яъни соликларга тенглаштирилган тўловлар тўланиши ва бошқа фаолият учун алоҳида солик хисобининг юритилиши фикримизга асос бўлиб хизмат қиласди.

4. Фермер хўжаликлари учун соддалаштирилган солик тизими хусусиятларини ўзида мужассам этган ҳамда солик обьекти хўжаликнинг фойдасига қаратилган соликни жорий этиш лозим. Мазкур холат солик ундиришнинг адолатлилик тамоилилига асосланади ва фермер хўжалигининг молиявий натижаси якунидан келиб чикиб хисоб-китоб қилинади.

5. Фермер хўжаликлари барча мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоблайдилар. Мазкур мажбурий ажратмаларнинг обьекти ягоналигини ҳисобга олиб, уларни унификация қилиш керак.

6. Фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг камайтирилган имтиёзли ставкасини қўллаш лозим. Бунда иш ҳақини натура ёки “конверт” усулида тўлашнинг олди олиниб, пенсия жамғармасига тўловлар миқдори кўпаяди ва ахолини иш билан банд қилиш имконияти кенгаяди.

7. Фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манбаатдорлигини ошириш мақсадида, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини бир боскичли шкалага ўтказиш ва энг қўйи ставкада солик ундириш таклиф қилинди. Бу бир томондан, фермер хўжалиги аъзолари моддий манбаатларини кучайтиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблаш услубиятини соддалаштиришга хизмат қиласди.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Аманов А.М. Фермер хўжаликларини соликка тортишда ягона ер солиги. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2002. -№2. -Б. 16-17.

2. Аманов А.М. Воздействие налогового механизма на основные направления развития фермерских хозяйств. // Ўзбекистон Республикаси иктисодиёти: ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш. Халқаро илмий-амалий анжуман маърузалари тўплами. -Тошкент, 2002. -С. 143-144.

3. Аманов А.М. Дехқон ва фермер хўжаликларини соликка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. // Солик органлари кадрларини тайёрлаш тизимидағи таълим жарабанига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2003. -Б. 223-224.

4. Аманов А.М. Методические вопросы налогообложения фермерских хозяйств в Республике Узбекистан. // Актуальные проблемы современной науки. -Москва, 2004. -№2. -С. 102-103.

5. Аманов А.М. Аграр соҳа: солиққа тортиш услубиятининг самарасини ошириш йўналишлари. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солик тизими ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2004. -Б. 92-94.
6. Аманов А.М., Мавлонов А.Х. Фермер хўжаликларида асосий воситаларни туркумлашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солик тизими ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2004. -Б. 475-478.
7. Аманов А.М. Фермер хўжаликларида солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципial мухим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2005. -Б. 97-99.
8. Аманов А.М. Солик кредити зарурми... // Иқтисодий таракқиётга эришишда солик сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2006. -Б. 149-151.
9. Аманов А.М. Фермер хўжаликларидан ундириладиган солиқлар. // Фермер. -Тошкент, 2007. - №2 -Б. 15-18.
10. Аманов А.М. Солиққа тортиш: хориж тажрибаси. // Фермер. -Тошкент, 2007. - №3 -Б. 16-18.
11. Аманов А.М. Ягона ер солиги. // Фермер. -Тошкент, 2007. -№4 -Б. 21-24.
12. Аманов А.М. Ягона фойда солиги. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2009. -№2. -Б. 33-34.

**Икгисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Аманов Акрам  
Мирзаевичнинг 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”  
ихтиосслиги бўйича “Дехқон ва фермер хўжаликларини  
соликка тортишни такомиллаштириш йўналишлари”  
мавзуусидаги диссертациясининг**

**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги, ерларнинг меъёрий киймати, ернинг бонитет балли, солик объекти, солик солинадиган база, солик даври, ягона ер солиги.

**Тадқиқот объектлари:** қишлоқ хўжалигига фаолият юритувчи фермер ва дехқон хўжаликлари.

**Ишнинг максади:** иктиносидётни эркинлаштириш шароитида дехқон ва фермер хўжаликларини соликка тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** киёсий таҳлил, тизимли ёндашув, молиявий таҳлил, гурухлаш, динамик каторлар, статистик ва математик.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** юридик шахс сифатида ташкил этилган ёки этилмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари ер остидан қазиб чиқарилган сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишишида фойдаланганлиги учун соликдан озод этиш зарурияти асосланган; фермер хўжаликларининг фойдасидан солик ундириш илмий таклифи ишлаб чиқилган; фермер хўжаликларининг максадли жамғармаларга ҳисоблайдиган мажбурий ажратмаларини унификация килиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг имтиёзли ставкасини кўллаш асосланган; фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган соликни бир босқичли шкалага ўтказиш ва энг қўйи ставкада солик ундириш тавсия этилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишининг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан дехқон ва фермер хўжаликларини соликка тортиш жараёни самарали ташкил қилинишида фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиши даражаси ва иктиносидий самарадорлиги:** тадқиқотнинг илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси (16/2-19, 21.12.2007 й.) томонидан амалиётда кўллаш учун кабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юргларида “Солик назарияси”, “Соликлар ва соликка тортиш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиша фойдаланиш мумкин.

**Кўлланиши соҳаси:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, олий ўқув юрглари.

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Аманова Акрама Мирзаевича на тему: «Направления совершенствования налогообложения дехканских и фермерских хозяйств» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07- «Финансы, денежное обращение и кредит»**

**Ключевые слова:** фермерское хозяйство, дехканское хозяйство, нормативная стоимость земли, балл бонитета земли, объект налогообложения, налогооблагаемая база, налоговый период, единый земельный налог.

**Объекты исследования:** фермерские и дехканские хозяйства, функционирующие в сельском хозяйстве.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование налогообложения дехканских и фермерских хозяйств в условиях либерализации экономики.

**Методы исследования:** сравнительный анализ, финансовый анализ, системный подход, группировка, динамические ряды, статистический и математический.

**Полученные результаты и их новизна:** обоснована необходимость освобождения от налога за пользование водными ресурсами дехканских хозяйств являющихся как юридическими, так и неюридическими лицами при использовании ими источников подземных вод для производства сельскохозяйственной продукции; разработаны научные предложения по взиманию налога с прибыли фермерских хозяйств; предложены практические рекомендации по унификации обязательных отчислений в целевые фонды фермерскими хозяйствами; обосновано использование льготной ставки единого социального платежа для фермерских хозяйств; в целях усиления материальной заинтересованности членов фермерских хозяйств предложен перевод на одноступенчатую шкалу налога на доходы физических лиц и взимание его по самой низкой ставке налога.

**Практическая значимость:** внедрение в практику научных предложений и практических рекомендаций, разработанных в диссертации, даст возможность достичь эффективной организации налогообложения фермерских и дехканских хозяйств.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные результаты исследования были приняты Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан (16/2-19, 21.12.2007 г.) для внедрения в практику. Материалы диссертации могут быть использованы при совершенствовании учебных программ курсов «Теория налога» и «Налоги и налогообложение» в высших учебных заведениях.

**Область применения:** Министерство финансов, Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

## R E S U M E

**Thesis of Akram Mirzaevich Amanov on the academic degree competition  
of the candidate of economic science, on speciality 08.00.07 "Finance,  
money circulation and credit", subject: "Directions of perfection of the  
taxation agricultural and farms"**

**Key words:** a farm, agricultural facilities, normative cost of the ground, a point bonitoes the grounds, object of the taxation, taxable base, the tax period, the tax for land.

**Subjects of the inquiry:** agricultural facilities and the farms, being agricultural commodity producers.

**Aim of the inquiry:** development of scientifically proved offers and the recommendations directed on perfection of the taxation agricultural and farms in conditions of liberalization of economy.

**Methods of inquiry:** the comparative analysis, the financial analysis, the system approach, grouping, dynamic numbers, applications of statistical and mathematical.


**The results achieved and their novelty:** necessity of clearing of the tax for using water resources agricultural facilities (both with formation, and without formation of the legal person) is proved at use of sources of underground waters by them for manufacture of agricultural production; scientific offers on collection of the tax from profit of farms are developed; practical recommendations on unification of obligatory deductions in trust funds are offered by farms; use of the preferential rate of uniform social payment for farms is proved; with a view of strengthening a material interest of members of farms translation into an one-stage scale of the tax into incomes of physical persons and its collection under the lowest rate of the tax is offered.

**Practical value:** introduction in practice of scientific offers and the practical recommendations developed in the dissertation, will enable to achieve the effective organization of the taxation farmer and agricultural facilities.

**Degree of embed and economic effectivity:** scientific results research have been accepted by the State tax committee of Republic Uzbekistan (16/2-19, 12.21.2007) for introduction in practice. Materials of the dissertation can be used at perfection of programs of training courses "Theory of the tax" and "Taxes and the taxation" in the high educational establishments.

**Sphere of usage:** the Ministry of the Republic of Uzbekistan, State Tax Committee, as well as higher education institutions.

Тадқиқотчи:



Босиңға рұхсат этилди	20.03.09
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табогы	1,5 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 44

**Ташкент молия институти босмахонасида  
ризография усулида чоп этилди. 100084, Ташкент  
Кичик халқа йўли, 7-ий**